

БОЛАЛАР ЎЙИНЛАРИ МАВЗУЛАРИГА ДОИР НАЗАРИЙ ИШЛАРНИНГ ИЛМИЙ ТАҲЛИЛИ

Хасанова Зарнигор Фазлиддиновна
Alfraganus Universiteti magistri

Аннотация: Мақолада юртимизда болалар ўйинларининг тарихий шаклланиш босқичлари, болалар ўйинлари мавзусига оид хорижий ва юртимиз тадқиқчиларининг илмий қарашлари ҳамда ёндашувларини илмий таҳлил қилиш орқали хуносалар қилинган.

Шунингдек, болалар ўйинларида болаларнинг ҳаракат қилиши, гапириши, идрок этиши, ўйлаши натижасида, унинг барча ақлий жараёнлари ўйинда фаол ишлиши, хусусан фикрлаш, тасаввур, хотира, ҳиссий ва иродавий кўринишлар кучайиши илмий асослантирилган.

Калит сўзлар: Болалар ўйинлари, ўқитувчи позицияси, болалар ўйинининг фалсафий ва ижтимоий-маданий контекстлари, конструкторлик ўйинлари, тасвирий фикрлаш, дидактик ўйинлар, болалар кўча ўйинлари.

Ўзбек халқ миллий ҳаракатли ўйинларининг келиб чиқиш тарихи узоқ ўтмишимиз билан боғланиб кетади.

Афросиёб, Даъварзин тепа, Сирдарёning қуи қисмларида, шунингдек Хоразм ва Қорақалпоғистон ҳудудларида ўтказилган археологик қазилмалар, қидирув ишларининг натижалари асосида топилган турли хил буюмлар, ашёлар, безакларнинг (расм) гувоҳлик беришича бундан 3-4 минг йиллар аввалги аждодларимиз хилма-хил ўйинлар, жисмоний машқлар билан машғул бўлган.

Ёввойи ҳайвонларни тутиш, ов қилиш, қувлаш, найза санчиш, олишиш ва бошқа жуда кўп мураккаб ҳаракатли фаолиятлар тасвирларда, сопол ва металл буюмларда ифода этилган. Шунингдек Омонқўтон (Самарқанд), Чорвоқ атрофидаги (Тошкент вилояти) ясси тошлар, горларда одамларнинг ов қилиш ва ҳайвонлар билан жанг қилиш (олишиш), турли хил ўйинлар билан шуғулланишлари акс эттирилган¹.

Маълумки кўп ҳаракат қилган организм яшовчан бўлади. Боболаримиз кечираётган ҳаёт тарзларига, ҳаракатларга қараб ўйинларни кашф этганлар. Одам умри давомида қиласидиган ҳатти-ҳаракатлар, тирикчилик ташвиши, четдан бўладиган турли қаршиликларни енгиш, оилани ҳимоя қилиш каби ҳаётий

¹ Рахимқұлов К. Ҳаракатли ўйинлар // <http://moodle-davronov.buxdupi.uz/uploads/Harakatli%20o%E2%80%99yinlar%20Karimjon%20Raximqulov.pdf>

вазиятлар бу ўйинларга мавзу бўлган. Таъбир жоиз бўлса, бундай ўйинлар ўша даврдаёқ одамларнинг табиат инжиқликларига дош беришларига, турли касалликларни енгиб ўтишларига замин ҳозирлаб борди. Ўйинларда теваракатрофда юз бераётган воқеа ва ҳодисалар сюжетлари жонлантириб борилган. Сюжетлар одамларнинг ҳаёти билан бевосита боғлиқ ҳолда шаклланган. Ўйинлар инсонни маънан, ахлоқий, эстетик жиҳатдан тарбиялайди. Чунки ўйинлар жамият ҳаётида меҳнатдан кейинги ҳодиса саналади. Бу борада тадқиқотчи Г. Мардонованинг “Ўзбек халқида йигитнинг белбоғи ҳам, қизнинг рўмоли ҳам оддий мато, аксессуарлар эмас. Улар мардлик, ор-номус, ҳаё, садоқат, покликнинг матода намоён бўлиши. Шунинг учун ҳам халқимизда белбоғ қадимдан азизланган. Ўз сўзида турадиган, айтганидан қайтмайдиган йигитлар “Белида белбоғи бор” деб мақталган. Белбоғ йигитнинг кўрки, номуси, ори саналган. Халқ тўқиган достон ва эртакларда ҳам белбоғга нисбатан юқори баҳо берилади. Демак, ўғил болалар ўйинлари орасида белбоғнинг восита сифатида ишлатилишида катта миллий маъно бор” деган фикрига қўшилиш мумкин².

Ўзбек халқ миллий ўйинларининг мазмунларини ёзиб олиш, уларни ёшларга ўргатиш масалалари асосан XIX асрнинг иккинчи ярмига тўғри келади. Бунда рус сайёхлари, археологик ва тарихий қидирув ишларини олиб борувчи олимларнинг ролини тан олиш керак бўлади. Л. Баженко (1840), А. Борж (1848), Г. Вампер (1877), А. Арандаренко (1889) кабиларнинг хизмати каттадир. XX аср бошларида тарих соҳасидаги олимлар В. Бартолд, А. Виноградов, С.П. Толстов, А. Шишгин ҳамда Ўзбекистон археологи Я. Ғуломов³ кабилар миллий ҳаракатли ўйинларга катта эътибор беришган.

Эътироф этиш лозимки, собиқ советлар ҳокимияти йилларида (1917-1991) ҳаракатли ўйинлар бўйича бир қатор тўпламлар нашр этилиб, улар асосан ўқув юртларининг муҳим ўқув қўлланмалари сифатида хизмат қилди. Лекин уларнинг таркибида ўзбек халқ миллий ҳаракатли ўйинлари умуман учрамайди.

Рус тилидаги ҳаракатли ўйинларини таржима қилиб, унинг мазмунини миллий ҳаракатли ўйинлар билан тўлдирган ва илк бор (1963) нашрдан чиқарганлар Т.С. Усмонхўжаев ва X. Тожибоевлар эди. Сўнгти йилларда, айниқса мустақиллик йиллари даврида “Ҳаракатли ўйинлар” тўпламларини қайта нашр қилиш, янги ўйинлар билан уларни бойитишда яна

² Мардонова Г.А. Ўзбек миллий ўйинлари [Матн]: Оммабоп-адабий нашр / Г.А. Мардонова. – Тошкент: Bookmany print, 2022. – 158 б.

³ <https://ziyouz.uz/ozbek-ziyolilari/yahyo-gulomov-1908-1977/>.

Т.С. Усмонхўжаев ва А.Ш. Қосимов, Ф.Н. Насриддинов, О.О. Пўлатов, Ф. Хўжаев, Ҳ. Мелиев кабилар ўз ҳиссаларини қўшдилар⁴.

Миллий ўйинлар ҳар бир халқнинг ижтимоий иқтисодий шароитига, уларнинг турмушдаги имкониятларига боғлиқ ҳолда мослашган.

Ушбу йўналишда тадқиқот олиб борувчи олимларнинг фикрича, болалар ўйинларининг мавзуларига доир назарий ишларда “Болалар ўйинининг фалсафий ва ижтимоий-маданий контекстлари” муҳим ўрин эгаллади.

Болалар ўйинининг фалсафий ва ижтимоий-маданий контекстлари йўналишида бир қатор олимлар тадқиқот ишларини олиб борган. Хусусан, бунга С.Н. Маёрова-Щеглова томонидан “Болалар ўйинининг ижтимоий-маданий ва фалсафий жиҳатлари: замонавий илмий оқимларни кўриб чиқиш”, Е.В. Трифонова томонидан “Болалар ўйинининг тўртта юзи”⁵, О.В. Саплина томонидан “Ўйин ўқитувчисининг касбий тайёргарлиги компетенциягаси”⁶ номли тадқиқот ишлари чоп эттирилган.

Мазкур тадқиқот ишларининг шархига эътибор қаратадиган бўлсак, С.Н. Маёрова-Щеглова тадқиқот ишида, жамиятнинг болалар ўйинига таъсири ва жамиятда келгусидаги ўзгаришларни лойихалашда болаликдаги ўйинларнинг роли. Болаларнинг ўйинда иштирок этишини болаларнинг ижтимоий амалиёти нуқтаи назаридан кўриб чиқиши талаб қиласидиган болалик социологиясининг позициялари ўрганилади.

Шунингдек, тадқиқот ишида янги болалар ўйинининг ўзига хос хусусиятларини кўриб чиқиш орқали, болаларнинг ҳаётй масалаларда ўйнаши, шу жумладан ёшларнинг инфантилизациясининг пайдо бўлиши тўғрисидаги прогнозларни илгари суради.

Олимнинг фикрича, шундай хulosага келиш мумкинки, ижтимоий ва фалсафий фанларнинг ўйинлар ва ўйинчоқлар муаммоларига мурожаат қилиши келгусида кенгаяди, бу соҳадаги фанлараро тадқиқотларда болалик социологиясининг аҳамияти етакчи роли ўйнайди⁷.

Таҳлиллардан кўриш мумкинки, социологлар жамиятдаги миллий ўйинларини шакланиш жараёнларини ўрганадилар, шу билан бирга ўйинларнинг умумий тамойиллари, роллари ва амалиётларини реал ҳаёт

⁴ Каримжон Раҳимқулов. Миллий ҳаракатли ўйинлар // «Тафаккур-Бўстони» Ташкент – 2012. 89-б.

⁵ Trifonova E «Four faces of a children’s game» // Researcher - 4/2020. P. 72-8-98.

⁶ Цаплина О.В. Компетентностный подход в профессиональной подготовке игропедагога / О.В. Цаплина // Игровая культура современного детства: сб. ст. III Междунар. науч. – практ. конф. (Москва, 23–24 июня 2021 г.). – Москва, 2021. – С. 20–24.

⁷ Игровая культура современного детства: Сборник статей III Международной научно-практической конференции / под. ред. Цицулиной А.В. – М.: АИДТ/НАИР, 2021-2022. – С 12-14.

стратегияларига, ижтимоий институтлар ишига киритиш жараёнини ўрганадилар. Мисол учун Е.А. Дурова ва А.Д. Покхилконинг ишларида болаларнинг хатти-ҳаракатларини нормаллаштирадиган ва аста-секин ахлоқий қадриятларни ва одатий ҳуқуқ нормаларини қурадиган ўйинлар қоидалари кўриб чиқилади⁸.

Рус олими Е.В. Трифонова ўзининг тадқиқот ишида ушбу йўналишда бир қатор қарашларни илгари суради. Хусусан, ушбу йўналишлар ичида “Ўқитувчи” позицияси муҳим ўрин эгаллайди.

“Ўқитувчи” позицияси. Олим буни ўқитувчилар сўрови маълумотлари, уларнинг болалар ўйинлари видеоклипларини эксперт баҳолашлари, малака ошириш курсларида, семинарларда ва ҳоказоларда билдирилган саволлар ва фикрлар асосида ажратади. Ушбу маълумотлар ўқитувчиларнинг ўйин ҳақидаги ғояларининг ўзига хос хусусиятларини ва уларнинг қиймат-семантик муносабатларини аниқлаштиришга имкон беради.

Тадқиқот ишида айтилишича, педагогик кенгашлар, малака ошириш курслари ва бошқа иш шакллари доирасидаги ўйинни муҳокама қилиш шуни кўрсатдики, ўйин болалар фаолияти сифатида “кўринмас ҳодиса” бўлиб, у ойнага ўхшайди: у орқали ўқитувчи ўйинни ривожлантириш ҳақида аниқ кўра олади деб айтиш мумкин. Аммо кўплаб ўқитувчилар ўйиннинг ривожланишининг ўзига хос хусусиятларини кўрмайдилар: сюжет таркибий мураккаблик билан эмас, балки унинг қанчалик “тўғри” ёки “нотўғри” эканлиги билан баҳоланади, хаёлий вазиятни яратиш қобилияти қайд этилмайди ва агар бола одатий ва қутилган стереотиплардан ташқарига чиқса уни яратишда бу кўпинча ўқитувчининг салбий реакциясини келтириб чиқаради ва ҳоказо.

Хаёлий вазият тушунчаси нафақат ўқитувчилар учун, балки таълим дастурларини тузувчилар учун ҳам қийин бўлиб чиқади, тадқиқотларда ўқитувчиларга вазиятларни яратишда мултимедиа тақдимотлари ва бошқа замонавий кўргазмали воситалардан фойдаланиш тавсия етилади⁹.

Бу борада Т.С. Новиковойнинг фикрича “биз кўпинча боланинг ўзи томонидан ўйинда юзага келиши керак бўлган хаёлий вазиятни ва кимдир томонидан ихтиро қилинган ва фақат бола томонидан ўз фаолиятида мужассамланган сценарийни чалкаштириб юборамиз”¹⁰.

⁸ Дурова Е.А., Покхилько А.Д. Философия коллективного творчества: игра как механизм нормативного творчества // Вестник Армавирского государственного педагогического университета. 2020. №4. С. 110–118.

⁹ На крыльях детства: примерная образовательная программа дошкольного образования / Под ред. Н.В. Микляевой. – М.: изд Карапуз, 2014. – С. 12 (202 с).

¹⁰ Новикова Т.С. Значение игры для формирования учебной деятельности // Журнал практического психолога. 2005. №6. С. 73 (C.65–76).

Болалар ўйинларининг мавзуларига доир бир қатор тадқиқотлар юртимиз олим ва изланувчилари томонидан ҳам амалга оширилган. Хусусан, Самарқанд давлат университети мактабгача ва бошланғич таълим факультети талабаси Барно Мустафоева “Мактаб ёшдаги болаларда ҳаракатли ўйинларни ўтказиш усуллари” мавзусида илмий тадқиқот олиб борган.

Мазкур тадқиқот ишида, мактабгача таълим ташкилотларида спорт билан танишиш ва спорт ўйинларини ўрганиш, асосан, катта мактабгача ёшдаги болалардан яъни, 6-7 ёшли болалар билан амалга оширилиши, мактабгача таълим ташкилотларида ташкил этилган спорт ўйинлари боланинг жисмоний саломатлигини мустаҳкамлаши, жисмоний тарбия ва спортга бўлган қизиқиши ривожлантириши, боланинг спорт ўйинлари элементларини моҳирона эгаллаши келажакда танламоқчи бўлган спорт тури учун асос бўла олиши бўйича хуносаларга келинган.

Тадқиқотчининг фикрича, мактабгача таълим ташкилотларида ҳаракатли ўйинлар ўтказишида болаларнинг ёш даражасини, жисмоний ва физиологик ривожланиши ва болаларнинг қизиқишиларини ҳисобга олган ҳолда танланиши керак. Кичик гурухларда ҳаракатли ўйинлар ҳар куни ўтказилади. Машғулот давомийлиги 10-15 минут атрофида давом этиши керак. Ҳаракатли ўйинлар куннинг турли пайтларида ўтказилади. Эрталабки нонуштага қадар тарбиячи барча болаларда яхши кайфият яратиш учун индивидуал ёки кичик гурух билан ўтказиладиган сокин ҳаракатлардаги ўйинларни ўтказгани маъқул. Сайрлар, жисмоний тарбия, мусиқа машғулотларидан кейин сайр пайтида тарбиячи хилма-хил ҳаракат фаолиятини уйғотувчи мазмунли, ҳаракатли ўйинларни уларнинг бутун қонун-қоидалари билан ҳамда ўйин машқларни фаол ҳаракатлар билан бирга қўшиб ўтказиш керак. Катта ва тайёрлов гурухларида машғулот давомийлиги 20 минутгача давом этиши мақсадга мувофиқ бўлади¹¹.

Изланувчи Сурайё Арзиқулова ва Севара Тариевалар ҳам “Мактабгача таълимда ўйин технологияси орқали боланинг когнитив билимларини ривожлантиришнинг амалий аҳамияти” мавзусида тадқиқот олиб борганлар.

Тадқиқотда келтиришича, ўйин технологиясининг асосий мақсади мактабгача таълим муассасасининг фаолият кўрсатиш шартларига ва болаларнинг ривожланиш даражасига қараб фаолият кўникумаларини шакллантириш учун тўлиқ мотивацион асосни яратишдир. Юқори мотивацияга, боланинг ўз фаолияти орқали билим ва кўникумаларни эгаллашга онгли эҳтиёжга эришилади. Ўқув жараёнида ўйин технологияларидан фойдаланган ҳолда боланинг хайриҳоҳлигидан кўп фойдаланилади. Болага ҳиссий ёрдам беришга, қувончли муҳит яратишга, боланинг ҳар қандай фантастика ва фантазияларини

¹¹ <https://www.samdu.uz/cy/news/29908>

рағбатлантиришга ҳаракат қилинади. Фақат бу ҳолатда, ўйин боланинг ривожланиши ва катталар билан ҳамкорликнинг ижобий мұхитини яратиш учун фойдалари бўлади. Аслида ўйин технологияларидан ўйин дақиқалари сифатида фойдаланилади. Педагогик жараёнда, айникса, болалар муассасасида болаларнинг мослашиш даврида ўйин моментлари жуда мухимдир.

Изланувчиларнинг фикрича, тўрт ёки беш ёшли болалар билан ишлаш тарбиячи учун асосий вазифа - ҳиссий алоқани шакллантириш, болаларнинг тарбиячига бўлган ишончи, тарбиячидан меҳрибон, ҳар доим ёрдам беришга тайёр, ўйинда қизиқарли шерикни кўриш қобилиягини ривожлантиради. Ҳеч бир бола эътибордан маҳрум бўлмаслиги учун фронтал ўйин вазиятларидан фойдаланилади. Булар “Думалоқ рақс”, “Кўлга олиш” каби ўйинлар.

Сурайё Арзиқулова ва Севара Тариеваларнинг талқинича, ўйин технологиялари ёрдамида фаолиятда болаларда ақлий жараёнлар ривожланади. Улар қўйидагилар: – идрок этиш; – дикқат; – хотира; – тасаввур; – ўлаш.

Тавсия сифатида тарбиячи ҳар қунги болаларнинг эркин машғулотларида, сайрларда, турли ўйинларда ўйин дақиқаларидан фойдаланиши лозим. Масалан шеърий ва ўйин шаклида бармоқ гимнастикаси ва артикуляция гимнастикаси, ролли ўйинлар, дидактик ўйинлар, очик ўйинлар, ўйинлар паст ҳаракатчанлик, нутқ ўйинлари ва вазифалар боланинг нутқини яхши ривожлантиради ва муваффақиятли мактабга тайёрлайди.

Эрта болалик даврида бола бошқа фаолиятда эмас, балки ўйинда мустақил бўлиш, тенгдошлари билан ўз хоҳишига кўра муроқот қилиш, ўйинчоқларни танлаш ва турли хил нарсалардан фойдаланиш, мантиқий равищда сюжет билан боғлиқ бўлган муайян қийинчиликларни енгиш учун энг катта имкониятга эга бўлади.

Масалан: “Ким тезда ўз фигурасини ўйинчоқ дарвозасига айлантиради?” технологиясида болаларни қизиқарли ўйин - мусобақага жалб қилишда фигуранлар тўп ва куб, квадрат ва айланадан кенг фойдаланилади.

Болалар ўткир бурчаклар куб ва квадратнинг айланнишига тўсқинлик қиласи деган холосага келишади: “Тўп айланади, лекин куб айланмайди”. Буни квадрат ва айланана чизиш билан тузатилади. Бундай ўйин технологиялари идрокни ривожлантиришга қаратилган¹².

Ўйинларни ишлаб чиқиши технологиясига Б.П. Никитин: “Ўйин фаолияти дастури барча хилма-хиллиги билан умумий ғоядан келиб чиқсан ва характерли хусусиятларга эга бўлган ўқув ўйинлари мажмуасидан иборат” деб таъриф беради.

¹² Арзиқулова С., Тариева С. Мактабгача таълимда ўйин технологияси орқали боланинг когнитив билимларини ривожлантиришнинг амалий аҳамияти // International Conference on Developments in Education Hosted from Bursa, Turkey. <https://econferencezone.org> Sep 26th 2022.

Ўйин педагогик технологияси бу – педагогик жараённи турли педагогик ўйинлар шаклида ташкил этишдир. Бу тарбиячининг изчил фаолияти: ўйинларни танлаш, ишлаб чиқиш, тайёрлаш; болаларни ўйин фаолиятига жалб қилиш; ўйиннинг ўзини амалга ошириш; ўйин фаолияти натижаларини умумлаштириш каби вазифасидир.

Ўйин технологиялари болалар боғчасининг таълим ва тарбия ишларининг барча жиҳатлари ва унинг асосий вазифаларини ҳал қилиш билан чамбарчас боғлиқ¹³.

Юқорида келтирилган қарашлар ва хulosалардан келиб чиқсан ҳолда, ўйин технологияси қўйидаги муаммоларни ҳал қилишга қаратилган бўлиши керак деган хulosага келиш мумкин:

дидактик мақсад болалар учун ўйин вазифаси шаклида қўйилади;

фаолият ўйин қоидаларига бўйсунади;

ўқув материали унинг воситаси сифатида ишлатилади;

Фаолиятга дидактик вазифани ўйинга айлантирадиган рақобат элементи киритилади;

дидактик вазифани муваффақиятли бажариш ўйин натижаси билан боғлиқ.

Уюштирилган ўқув фаолиятининг ўйин шакли болаларни ўрганишга ундаш, рағбатлантириш воситаси бўлиб хизмат қиласидиган ўйин мотивацияси билан яратилади.

Манбаларда келтиришича, ўйин – тарбиялаш ва ҳордиқ чиқариш воситаларидан бири. Ўйин инсониятнинг бутун тарихи мобайнида диний маросим, спорт, ҳарбий ва бошқалар машқлар, шунингдек, санъат, айниқса унинг ижро шакллари билан қўшилиб келган¹⁴.

Педагогик адабиётларда айтилишича, ўйин қўйидаги функцияларга эга:

кучланишни енгиллаштиради ва хиссий дам олишга ёрдам беради;

боланинг ўзига ва бошқаларга бўлган муносабатини ўзгартиришга, мулокот қилиш усувларини, руҳий фаровонликни ўзгартиришга ёрдам беради.

Ўйин технологияси қўйидагиларни ўз ичига олади: обьектларнинг характерли хусусиятларини ажратиб қўрсатиш қобилиятини шакллантирадиган ўйинлар ва машқлар; обьектларни маълум хусусиятларга кўра умумлаштириш учун ўйинлар гуруҳлари; ўйинлар гуруҳлари давомида мактабгача ёшдаги болалар ҳақиқий ҳодисаларни ҳақиқий бўлмаган нарсалардан ажратиш қобилиятини ривожлантирадилар; ўзини назорат қилиш қобилиятини, сўзга реакция тезлигини, зукколикни ва бошқаларни тарбиялайдиган ўйинлар

¹³ <https://pochemu32.ru/default/programs/nikitina>

¹⁴ <https://qomus.info/encyclopedia/cat-ou/oyin-uz/>

гурухлари; Ўйин фаолияти иштирокчиларининг психологик жараёнларини - дикқат, ёдлаш, қизиқиши, идрок ва фикрлашни фаоллаштиради.

Ўйин жараёнида интеллектуал пассив бола оддий вазиятда унга тўлиқ эришиб бўлмайдиган иш ҳажмини эркин бажаради. Психологлар мактабгача ёшдаги ўйинни боланинг ақлий ривожланишини белгиловчи фаолият, етакчи фаолият сифатида кўриб чиқадилар, бу жараёнда ақлий неоплазмалар пайдо бўлади.

Педагогик ўйинларнинг турлари жуда хилма-хилдир. Улар қуйидаги хусусияти билан фарқ қиласади:

фаолият тури бўйича – моторли, интеллектуал, психологик ва бошқалар;

педагогик жараённинг табиатига кўра – ўқитиш, назорат қилиш, когнитив, тарбиявий, ривожлантирувчи, диагностик.

ўйин техникасининг табиати бўйича – қоидалар билан ўйинлар; ўйин давомида белгиланган қоидалар билан ўйинлар;

қоидаларнинг бир қисми ўйин шартлари билан белгиланадиган ва унинг боришига қараб ўрнатиладиган ўйинлар.

Мазмуни бўйича - мусиқий, математик, мантиқий ва бошқалар.

Ўйин ускуналари учун - иш столи, компьютер, театр, рол ўйнаш ва бошқалар.

Ўйин технологиясининг асосий компоненти тарбиячи ва болалар ўртасидаги тўғридан-тўғри, тизимли алоқадир. Ўйиннинг тарбиявий ва тарбиявий аҳамияти қуйидагиларга боғлиқ:

ўйин фаолияти методологиясини билиш;

тарбиячининг ҳар хил турдаги ўйинларни ташкил этиш ва бошқаришдаги касбий маҳорати;

ёш ва индивидуал имкониятларни хисобга олиш жараёни.

Ҳар бир ўйин - бу бола кублар, гишталар, картон ёки пластмассадан ясалган квадратчалар, механик дизайнернинг қисмлари ва бошқалар ёрдамида ҳал қиласидаги вазифалар тўпламидир. Тадқиқотчи Никитин ўз китобларида кублар, нақшлар, монтессори рамкалари ва қўшимчалари, режалар ва хариталар, квадратлар, тахмин тўпламлари, нуқталар, соатлар, термометр, гишталар, кублар, конструкторлар билан ўқув ўйинларини таклиф қиласади.

Болалар тўплар, арқонлар, резина бантлар, тошлар, ёнғоқлар, тикинлар, тутмалар, таёқлар ва бошқалар билан ўйнашади. Мавзули ўқув ўйинлари қурилиш, меҳнат ва техник ўйинларнинг асоси бўлиб, улар бевосита интеллект билан боғлиқдир. Ўйин технологиялари хотирани ривожлантиришга ёрдам беради. Бунда болаларга “Дўкон”, “Хола-холаси”, “Расмни эслаб қолинг” каби ўйинлар ёрдам беради. Ўйин технологиялари боланинг тафаккурини ривожлантиришга ёрдам беради. Маълумки, бола тафаккурининг ривожланиши

учта асосий шаклини: визуал-самарали, визуал-мажозий ва мантиқийликни ўзлаштирганда содир бўлади. Визуал самарали – бу ҳаракатдаги фикрлашдир. Ҳаракатлар, нарсалар ва ўйинчоқлар билан ўйинлар жараёнида ўйин техникаси ва ўқитиш усулларидан фойдаланиш жараёнида ривожланади. Тасвирий фикрлаш – бола солиширишни, объектлардаги энг муҳим нарсаларни ажратиб кўрсатишни ўрганганида ва вазиятга эмас, балки мажозий тасвирларга эътибор қаратиб, ўз ҳаракатларини амалга ошириши мумкин. Кўпгина дидактик ўйинлар мажозий ва мантиқий фикрлашни ривожлантиришга қаратилган.

Мантиқий тафаккур болани мулоҳаза юритиш, сабаб-натижага муносабатларини топиш, хулоса чиқариш қобилиятини ўргатиш жараёнида шаклланади.

Болалар ўйинларининг мавзуларига доир назарий ишларнинг таҳлили, ўйинларнинг психологик хусусиятлари билан боғлиқ масалалар ҳам бу борадаги тадқиқот ишлари орасида ўзига хос ўрин эгаллайди. Хусусан, тадқиқотчи А.Б. Абсаломова “Боғча ёшидаги болалар ўйинининг психологик хусусиятлари” мавзусида тадқиқот олиб боради¹⁵.

Тадқиқотчининг фикрича, катта мактабгача ёшдаги болалар учун мусобақа жуда катта аҳамиятга эга бўлиб, айнан шундай ўйинларда муваффақиятга эришиш шаклланади ва мустаҳкамланади. Бу ёшдаги болалар учун энг ёқимли он бу – ғалаба қозониш (ютиш) ҳисобланади.

Катта боғча ёшида конструкторлик ўйинлари аста-секинлик билан меҳнат фаолиятига айланиб боради. Ўйинда бола элементар меҳнат кўникма ва малакаларини эгаллай бошлайди, предметларнинг хоссаларини англай бошлайди, амалий тафаккур ривожлана боради¹⁶.

3-7 ёшли болалар психик ривожида бадиий-ижодий фаолият бўлган мусиқанинг ҳам аҳамияти жуда катта. Мусиқа орқали болалар ашула айтишга, мусиқа оҳангига мос ритмик ҳаракатлар қилишга ўрганадилар. 3-7 ёш даврида болалар асосий фаолияти куйидаги кетма-кетлика келади:

- предметларни ўрганиш;
- индивидуал предметли ўйинлар, колектив сюжетли-ролли ўйинлар;
- индивидуал ва гуруҳий ижод;
- мусобақа ўйинлар;
- мулоқот ўйинлар;

¹⁵ Абсаломова А.Б. Боғча ёшидаги болалар ўйинининг психологик хусусиятлари // SCIENTIFIC PROGRESS. VOLUME 2 | ISSUE 2 | 2021. P. 891-896.

¹⁶ Abror Q. Research and Analysis of Ferromagnetic Circuits of a Special Purpose Transformer //Fazliddin, A., Tuymurod, S., & Nosirovich, OO (2020). Use of Recovery Boilers At Gas-Turbine Installations Of Compressor Stations And Thyristor Controls. The American Journal of Applied sciences. – 2020. – Т. 2. – №. 09. – С. 46-50.

- уй меҳнати.

Ушбу йўналишда тадқиқот олиб борган Н.А. Тайланов, Н.М. Джураева ва Д.Т. Бобонвларнинг қарашича, боғча ёшидаги болаларнинг ўйин фаолиятлари хақида гапирганда, албатта уларнинг ўйинчоғи масаласига ҳам тўхтаб ўтиш керак.

Болаларга ўйинчоқларни беришда уларнинг ёш хусусиятларини, тарақкиёт даражаларини ва айни пайтда уларни кўпроқ нималар қизиқтиришини ҳисобга олиш керак¹⁷.

Малумки, 1-3 ёш болалар ҳали ташқи муҳитни жуда оз ўзлаштирганлар. Улар ҳали ҳаттоқи нарсаларнинг рангини, ҳажмини ҳам яхши ажрата олмайдилар. Шунинг учун уларга қўғирчоқ билан бирга ҳар хил рангли кийим, лахтак матолар ҳам бериш керак. Айниқса, қиз болалар ўз қўғирчоқларини ҳар хил рангли матоларга ўраб, рўмол қилиб ўратиб машқ қиласидилар. Ўғил болаларга эса, ҳар хил рангли, бир-бирининг ичига сифадиган қутича ўйинчоқларни бериш фойдалидир.

Ўйинларнинг психологик хусусиятлари билан боғлиқ масалаларнинг таҳлилидан келиб чиқсан ҳолда, қилинган қўйидаги хулосага қўшилиш мумкин.

Ўйин фаолияти болаларни инсониятнинг ижтимоий тажрибасини эгаллашнинг фаол шакли ҳисобланади. Одам бирданига ижтимоий тажрибалари ўзлаштиришга кириша олмайди. Ижтимоий тажрибаларни фаол эгаллаш учун одам аввало етарли даражада нутқни эгаллаган бўлиши, маълум малакалар, ўқувлар ва элементар тушунчаларга эга бўлиши керак булади.

Буларга бола юқорида батафсил кўрсатиб ўтилганидек, ўйин фаолияти орқали эришади¹⁸.

Юқоридагилардан келиб чиқсан ҳолдада шундай хулосага келиш мумкинки, одатда “хаёт шериги” деб ҳам аталадиган ўйинлар иш ва ўрганиш билан чамбарчас боғлиқ. Ўйинда шахснинг барча томонлари иштирок етади: бола ҳаракат қиласиди, гапиради, идрок этади, ўйлайди; унинг барча ақлий жараёнлари ўйинда фаол ишлайди: фикрлаш, тасаввур, хотира, хиссий ва иродавий кўринишлар кучаяди. Ўйин таълимнинг муҳим воситаси сифатида ишлайди.

Ҳар хил турдаги ўйинлар, уларнинг ўзига хос хусусиятлари ва технологиясини билиш ўқитувчига унинг барча функцияларидан фойдаланишга

¹⁷ Taylanov N.A., Dzhuraeva N.M., Bobonov D.T. Diffusion evolution of electromagnetic perturbations in superconductors //Uzbekiston Fizika Zhurnali. – 2019. – T. 21. – №. 2. – С. 130-132.

¹⁸ Olimov O.N. et al. Elektr energiyada past kuchlanishli kommutasiyalash jixozlarning, iqlim va joylashish tasnifi // Academic research in educational sciences. – 2021. – T. 2. – №. 5. – С. 294-299.

имкон беради: таълим, ривожланиш, ўқув, ташкилий, реабилитация, ўз-ўзини ривожлантириш.

Фойдаланган адабиётлар:

1. *Raximqulov K. Xarakatli ўйинлар // http://moodle-davronov.buxdupi.uz/uploads/ Harakatli%20o%E2%80% 98yinlar%20Karimjon%20 Raximqulov.pdf*
2. *Мардонова Г.А. Ўзбек миллий ўйинлари* [Матн]: Оммабоп-адабий нашр / Г.А. Мардона. – Тошкент: Bookmany print, 2022. – 4-б.
3. <https://ziyouz.uz/ozbek-ziyolilari/yahyo-gulomov-1908-1977/>.
4. *Каримжон Раҳимқулов. Миллий ҳаракатли ўйинлар // «Тафаккур-Бўстони» Ташкент – 2012. Б. 5.*
5. *Trifonova E «Four faces of a children’s game» // Researcher - 4/2020. Р. 72-8-98.*
6. *Цаплина О.В. Компетентностный подход в профессиональной подготовке игропедагога / О.В. Цаплина // Игровая культура современного детства: сб. ст. III Междунар. науч. – практ. конф. (Москва, 23–24 июня 2021 г.). – Москва, 2021. – С. 20–24.*
7. *Игровая культура современного детства: Сборник статей III Международной научно-практической конференции / под. ред. Цицулиной А.В. – М.: АИДТ/НАИР, 2021-2022. – С 12-14. (175 с).*
8. *Дурова Е.А., Похилько А.Д. Философия коллективного творчества: игра как механизм нормативного творчества // Вестник Армавирского государственного педагогического университета. 2020. №4. С. 110–118.*
9. *На крыльях детства: примерная образовательная программа дошкольного образования / Под ред. Н.В. Микляевой. – М.: ид Карапуз, 2014. – С. 12 (202 с).*
10. *Новикова Т.С. Значение игры для формирования учебной деятельности // Журнал практического психолога. 2005. №6. С. 73 (C.65–76).*
11. <https://www.samdu.uz/cy/news/29908>
12. *Арзиқулова С., Тариеva С. Мактабгача таълимда ўйин технологияси орқали боланинг когнитив билимларини ривожлантиришнинг амалий аҳамияти // International Conference on Developments in Education Hosted from Bursa, Turkey. https: econferencezone.org Sep 26th 2022.*
13. <https://pochemu32.ru/default/programs/nikitina>
14. <https://qomus.info/encyclopedia/cat-ou/oyin-uz/>
15. *Абсаломова А.Б. Боғча ёшидаги болалар ўйинининг психологик хусусиятлари // SCIENTIFIC PROGRESS. VOLUME 2 | ISSUE 2 | 2021. Р. 891-896.*

16. *Abror Q.* Research and Analysis of Ferromagnetic Circuits of a Special Purpose Transformer //Fazliddin, A., Tuymurod, S., & Nosirovich, OO (2020). Use of Recovery Boilers At Gas-Turbine Installations Of Compressor Stations And Thyristor Controls. *The American Journal of Applied sciences.* – 2020. – T. 2. – №. 09. – C. 46-50.
17. *Taylanov N.A., Dzhuraeva N.M., Bobonov D.T.* Diffusion evolution of electromagnetic perturbations in superconductors //Uzbekiston Fizika Zhurnali. – 2019. – T. 21. – №. 2. – C. 130-132.
18. *Olimov O.N.* et al. Elektr energiyada past kuchlanishli kommutasiyalash jixozlarning, iqlim va joylashish tasnifi // Academic research in educational sciences. – 2021. – T. 2. – №. 5. – C. 294-299.